



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ



АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

16 май 2017 йил

"Глобаллашув жараёнида лингвистика назарияси ва методикаси муаммолари"

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАР:

1. Фонетика, фонология, фоносемантика, фоностилистика ва фонопрагматика масалалари
2. Ҳозирги замон терминологияси муаммолари
3. Навоий асарларининг тил хусусиятлари
4. Дилектология ва ареал лингвистика
5. Тил тарихи ва этнолингвистика
6. Антропоцентрик тилшунослик
7. Она тили ўқитиш методикаси
8. Таржимашунослик муаммолари
9. Риторика ва нутқ маданиятининг долзарб масалалари
10. Имло ва ёзув муаммолари
11. Тил таълимида инновацион ёндашув

20
17



Глобаллашув жараёнида лингвистика назарияси ва лингводидактика муаммолари

**«ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ЛИНГВИСТИКА НАЗАРИЯСИ ВА
ЛИНГВОДИДАКТИКА МУАММОЛАРИ» МАВЗУСИДАГИ
ДИСТАНЦИОН ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ**

**“PROBLEMS OF THEORETICAL ASSUMPTIONS OF LINGUISTICS AND
METHODOLOGY IN THE PERIOD OF GLOBALIZATION”
INTERNATIONAL SCIENTIFIC-PRACTICAL CONFERENCE (DISTANT)**

**МЕЖДУНАРОДНАЯ ДИСТАНЦИОННАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ
КОНФЕРЕНЦИЯ «ПРОБЛЕМЫ ТЕОРИИ ЛИНГВИСТИКИ И
ЛИНГВОДИДАКТИКИ В ПЕРИОД ГЛОБАЛИЗАЦИИ»**

ТОШКЕНТ -2017

Глобаллашув жараёнида лингвистика назарияси ва лингводидактика муаммолари

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА
АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**«ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ЛИНГВИСТИКА НАЗАРИЯСИ ВА
ЛИНГВОДИДАКТИКА МУАММОЛАРИ» МАВЗУСИДАГИ
ДИСТАНЦИОН ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

**МАТЕРИАЛЫ МЕЖДУНАРОДНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ «ПРОБЛЕМЫ ТЕОРИИ
ЛИНГВИСТИКИ И ЛИНГВОДИДАКТИКИ В ПЕРИОД
ГЛОБАЛИЗАЦИИ»**

**“PROBLEMS OF THEORETICAL ASSUMPTIONS OF LINGUISTICS AND
METHODOLOGY IN THE PERIOD OF GLOBALIZATION”
INTERNATIONAL SCIENTIFIC-PRACTICAL CONFERENCE (DISTANT)**

ТОШКЕНТ- 2017

БИЛВОСИТА НУТҚИЙ АКТ ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР
(болалар нутқи мисолида)

Қурбонова М.А.²³

Аннотация

Ушбу мақола прагматиканинг асоси сифатида намоён бўлувчи нутқий акт талқинига бағишланган. Унда жаҳон тилшунослигида қайд этилган нутқий акт масаласига доир талқин ва таснифлар баён этилган. Бу борада илгари сурилган назарий қарашларга танқидий муносабат билдирилган. Билвосита нутқий актлар ифодасида риторик сўроқ гапларнинг ўрни ва аҳамияти ёритилган. Кичик ёшдаги ўзбек болалар нутқининг лингвопрагматик табиати, улар томонидан сўроқ гап орқали яширин коммуникатив мақсад, дарак, истак каби билвосита нутқий актларнинг ифодаланиш усуллари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: *нутқий акт, болалар нутқи, бевосита нутқий акт, билвосита нутқий акт, коммуникатив мақсад.*

Инсон – тил, тил – инсон диадаси тадқиқида, табиийки, коммуникатив мулоқот муаммосига дуч келинади. Коммуникатив мулоқотнинг амалга ошиши, унинг таркибий қисми бўлган нутқий акт ва унда ифода этилган ахборот, бу ахборотнинг тингловчи томонидан тушунилиши, нутқий акт орқали тингловчига таъсир кўрсатиш кабилар прагматиканинг таҳлил объектлари саналади. Маълумки, коммуникатив мулоқотдан кўзланадиган мақсад муайян ахборотни ифода этиш, ўзаро ахборот алмашилиш ҳамда нутқий таъсир кўрсатишга эришишдан иборатдир.

Коммуникатив мулоқотнинг амалга ошиши учун воқеликда дастлаб муайян *сабаб* юзага келади. Айни шу *сабаб* тил эгаларида нутқий мулоқотга йўл очади. Бошқача айтганда, *сабаб* нутқий мулоқот учун *асос* вазифасини ўтайди. Нутқий мулоқот амалга ошишининг кейинги босқичида мазкур *асос* нутқ эгаларининг муайян мақсади билан уйғунлашади. Нутқ эгалари айни мақсадни намоёниш этишлари учун бирор бир нутқий актдан фойдаланадилар. Масалан, сўзловчи томонидан “*Ёмғир ёғмоқда*” хабар актининг ифода этилиши учун воқеликда ёмғир ёғаётганлиги *сабаб* сифатида юзага чиқади. Бу омил тил эгасини ёмғир ёғаётганлиги ҳақида ахборот беришга ундайди, яъни нутқий тузилма яратиш учун *асос*ни юзага келтиради. Нутқ эгаси ёмғирнинг ёғаётганлиги ҳақида хабар беришни кўзлагани учун у дарак актидан фойдаланади. Энг сўнгги босқичда нутқий мулоқот таркибий қисми – нутқий акт вербал ифодасига эга бўлади. Англашиладики, коммуникатив мулоқотнинг шаклланишига дастлабки босқичда экстралингвистик омиллар туртки берса, сўнгги босқичда у нутқий ифодасига эга бўлади. Нутқий фаолият ҳақида мулоҳаза юритган Ш.Сафаровнинг қайд этишича, «*сабаб-мотив-мақсад*» занжири нутқий фаолият режасини шакллантиради ва унинг воқеланишини таъминлайди [1, 63]. Назаримизда, бу ўринда «*сабаб-мотив-мақсад*» занжирига

²³ Қурбонова М.А.- ТошДўТАУ катта илмий ходим-изланувчиси, филология фанлари номзоди, доцент. Ўзбекистон, Тошкент ш. E-mail: munavvara2013@yandex.ru

Глобаллашув жараёнида лингвистика назарияси ва лингводидактика муаммолари *вербал* (баъзан *новербал*) *ифодани* ҳам киритиш лозим. Бу қисм нутқий фаолиятнинг сўнгги нуқтасини англатади.

Нутқий фаолият ва нутқий акт, унинг ифодаланиши, турлари муаммоси хориж тилшунослари: В. Хумболдт, Ш. Балли, С. Карцевский, Л. П. Якубинский, К. Л. Бюллер, Э. Бенвенист, М. М. Бахтин ва бошқаларнинг лингвистик қарашларида ҳам ўз ифодасини топди. Рус тилшунослигида бу масалалар В.Н.Забавников, А.А.Леонтьев, А.Н.Баранов, Г.Е.Крейдлин, И.Н.Горелов, С.А.Сухих ва бошқалар томонидан таҳлил этилиб, умумлаштирилди [2, 304]. Ўзбек тилшунослигида нутқий фаолият ва нутқий акт масаласи М.Ҳакимов томонидан махсус ўрганилди [3, 9-164], кейинчалик Ш.Сафаровнинг “Прагмалингвистика” китобида алоҳида бобларда ёритилди [1, 71-106].

Манбаларда нутқий актнинг асосий хусусиятлари сифатида мўлжалланганлик, мақсадга йўналтирилганлик, конвенционаллик қайд этилади [4]. Булардан мақсадга йўналтирилганлик энг муҳим хусусият сифатида талқин этилади. Дарҳақиқат, нутқий акт нутқ эгасининг муайян коммуникатив мақсадини акс эттиради. Айрим тилшунослар нутқий актда кўзланган мақсаднинг икки турини фарқлайдилар: бошланғич мақсад ва натижавий мақсад [5, 115]. Бошланғич мақсад гапнинг семантик-структур тузилишига мос тарзда воқеланади, натижавий мақсадга синтактик структура билан боғлиқ бўлмаган ҳолда англашилувчи мақсад сифатида қаралади. Ш.Сафаровнинг қайд этишича, «*Вокзалга қандай борса бўлади?*» нутқий тузилмасининг бошланғич интенция акти сўровдир, «*Бугун университетда учрашув бўлди*» тузилмасиники – дарак, хабар бериш бўлса, «*Китобимни қайтар!*» тузилмасида бошланғич интенция сўзсиз, буйруқ, талаб қилишдир. Аммо натижавий мақсад ҳаракатлари биринчидан, сон жиҳатидан кўп, иккинчидан, улар учун гапнинг структур-семантик тузилиши ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Натижавий интенциянинг шаклланиши гапларнинг нафақат маъно хусусиятлари, балки уларнинг фаоллашув муҳити, нутқ контексти билан ҳам боғлиқдир. Бошқача айтганда, натижавий мақсад акти лисоний ҳаракатлар билан бир қаторда, нолисоний ҳаракатларни ҳам қамраб олади [1, 75]. Назаримизда, натижавий мақсаднинг муайян нутқий акт орқали англаниши инобатга олинса, уни айни нутқий акт семантик-синтактик структураси билан боғлаш мақсадга мувофиқ.

Тадқиқотларда нутқий актнинг хабар қилиш, истакни баён этишга қаратилган нутқий акт, мажбурият акти, ижтимоий этикет кўринишлари, эмоционалликни ифодаловчи актлар, маъқулловчи, тақиқловчи, нутқни тўхтатувчи акт кабилар қайд этилади. Ж. Р. Серл нутқий актнинг қуйидаги турларини ажратади: талаффуз акти, референция ва предикацияни юзага чиқарувчи пропозиционал акт, сўзловчи мақсадини намоиш этувчи иллокутив акт [6, 151-169].

Тилшуносликда сўзловчининг коммуникатив мақсадига кўра, нутқий актнинг бевосита ва билвосита турлари ҳам фарқланади. “Муайян нутқий акт уни ифодалашга хосланган синтактик структура орқали баён этилганда нутқий

Глобаллашув жараёнида лингвистика назарияси ва лингводидактика муаммолари актнинг бевосита ифодаланиши амал қилади. Масалан, сўроқ гап шаклидаги синтактик қурилмалар орқали сўроқни ифода этувчи ахборотнинг ёки дарак гап орқали хабарни ифода этувчи актлар синтактик семани бевосита ифодаловчи нутқий актлар ҳисобланади. Муайян ахборотни уни ифодалашга хосланмаган синтактик структура орқали баён этувчи нутқий акт кўринишлари билвосита нутқий актлар саналади” [7, 98]. Бунда икки хил ҳолат кузатилади: а) синтактик структуранинг бирламчи маъноси сақланиб қолади, унга қўшимча синтактик маъно юкланади. Бошқача айтганда, айти синтактик структура орқали у ифодалашга хосланган ахборот ва қўшимча ахборот баён этилади. Бунда айти синтактик структуранинг семантик кўлами кенгайди; б) синтактик структуранинг бирламчи маъноси буткул йўқолади, унинг ўрнини ўзга синтактик маъно эгаллайди. Бошқача айтганда, айти синтактик структура орқали сўзловчи мақсади билан боғлиқ тарзда ўзга ахборот баён этилади [7, 100].

Ш.Сафаровнинг маълумот беришича, Ж.Серл ва унинг издошлари билвосита нутқий актда бир пайтнинг ўзида икки иллокутив ҳаракат бажарилади деб ҳисоблайдилар. Олим бу хулосани маъқуллаган ҳолда прагматик маъно кўчиши ва шу йўсинда билвосита нутқий акт ҳосил бўлишида бирламчи маъно йўқолмасдан, балки қўшимча, иккиламчи маъно билан битишади, деб ҳисоблайди. У бу турдаги нутқий тузилмаларда бирламчи мазмуннинг сақланишини “Can you open the door?” (*«Эшикни очиб қўя олмайсизми?»*) каби гапларга ҳар қандай ҳолда ҳам «Ҳа» ёки «Йўқ» деб жавоб бериш имкони борлигида кўриш мумкин, деб ҳисоблайди [1, 92]. Бизнингча, бу типдаги гапларда ҳар доим ҳам бирламчи синтактик маъно сақланиб қолавермайди. *«Эшикни очиб қўя олмайсизми?»* гапида саволга жавоб бериш имконининг мавжудлиги гап кесими таркибида қўлланган *олмоқ* кўмакчи феъли билан боғлиқ. Мазкур кўмакчи феъл ҳаракатни бажаришга имконият бор-йўқлиги маъносини ҳосил қилади. Сўзловчи муайян шахснинг эшикни очиб қўйишга имконияти бор ёки йўқлигини аниқлаш ва шу асосда уни ҳаракатни бажаришга ундашни мақсад қилган ҳолларда *олмоқ* кўмакчи феълли қурилмалардан фойдаланади. Агар айти гап *«Эшикни очиб қўймайсизми?»* тарзида тузилса, гапдан ҳаракатни амалга ошириш имкони мавжуд ёки мавжуд эмаслиги маъноси йўқолади ва бунда ўз-ўзидан саволга жавоб беришга ҳожат қолмайди.

Шуниси характерлики, *«Эшикни очиб қўймайсизми?»* гапи орқали сўзловчи илтимос актини ифода этишни мақсад қилган бўлса, саволга “Албатта” ёки баъзи ҳолларда инкорни ифода этувчи жавоб-репликани қайтариш мумкин бўлади. Агар сўзловчи мазкур гап орқали буйруқ актини ифода этишни мақсад қилган бўлса, айти гапга жавоб бериш лозим бўлмай қолади. Демак, бу типдаги риторик сўроқ гапларда бирламчи маънонинг сақланиши ёки йўқолишида гапдан кўзланган мақсад ҳамда шу асосда танланаётган синтактик структура муҳим ўрин тутади.

Глобаллашув жараёнида лингвистика назарияси ва лингводидактика муаммолари

Кесими кўмакчи феълли бирикма билан ифодаланган риторик сўроқ гап орқали ҳосил қилинган билвосита нутқий акт тури кичик ёшдаги болалар мулоқотида ҳам кўп кузатилади. Болаларга хос аксарият билвосита нутқий актлар уларнинг ёш хусусияти ва когнитив даражаси билан боғлиқ ҳолда юзага келади ва катталарда кулги уйғотади. Кўпинча мактабгача ёшдаги бола томонидан ҳосил қилинган бевосита нутқий актни ифодаловчи сўроқ гап кесими “кетмоқ” кўмакчи феълли бирикмадан иборат бўлади. Масалан,

- *Қизим, кел, кийимларингни ечиб ваннага тушгин, чўмилтираман.*
- *Ойи, оғзимдаги конфетим чўмилиб кетмайдими?* (М. Содиқова. “Ўзи ҳам ширин, сўзи ҳам”)

Мазкур нутқий вазиятда қўлланган “кетмоқ” кўмакчи феъли иш-ҳаракат (чўмилиш)нинг тугал бажарилишини ифодалаган. Бундай ҳолатларда болаларга хос билвосита нутқий актнинг қуйидаги турлари намоён бўлади:

- 1) Дарак-таъкид акти. Нутқий актнинг бу тури бола томонидан “Оғзимдаги конфетим чўмилиб (ювилиб, сувда эриб йўқ бўлиб) кетади-ку!” пресуппозицияси орқали англашилади;
- 2) истак-инкор акти. Бола нутқий актнинг бу турига “Оғзимдаги конфетим чўмилиб кетиши (ювилиб, сувда эриб йўқ бўлиб кетиши)ни истамайман” тарзидаги яширин ахборот орқали ишора қилади.

Кичик ёшдаги бола нутқида “қандай” олмоши иштирокида тузилган риторик сўроқ гаплар ҳам фаол қўлланади. Бунда лингвистик пресуппозиция орқали ифодаланадиган билвосита нутқий акт тури гап таркибидаги сўроқ воситасига тушган мантиқий урғу орқали англашилади. Масалан,

Кечқурун ётишганда опалари кичкинтой Мунирага, ўрганган эртагингни бизга айтиб бер, деб “илтимос” қилишди.

Мунира уларга жавобан:

- *Бўлмаса чироқни ёқинг, қоронғида қандай эшитасиз, – деди.*

Кўринадикки, ушбу коммуникатив вазиятда мантиқий урғу сўроқ воситаси (“қандай” олмоши)га тушган. Бу эса ўз навбатида “Қоронғида эшитмайсиз” пресуппозициясини уйғотган. Шу тариқа бола томонидан билвосита нутқий акт – дарак-инкор акти ифодаланган.

Баъзан кичик ёшдаги мулоқот субъекти катталардан фарқли равишда соф сўроқ гап орқали билвосита нутқий актни ифодаламоқчи бўлади. Бироқ бунда боланинг ички нияти нутқ адресатига маълум бўлмаса-да, у боланинг саволида қандайдир истак яширинганини идрок этади. Қуйидаги диалогик нутқда шундай ҳолат кузатилади:

- *Ойи, қачон бизникига меҳмон келади?*
- *Нима қилар эдинг?*
- *Кўпгина конфет еярдик* (М.Содиқова. “Ўзи ҳам ширин, сўзи ҳам”).

Англашиладики, юқоридаги каби ҳолатларда бола томонидан ифодаланган иллокутив мақсадни фақат унга савол бериш орқали аниқлаш мумкин бўлади. Кичик ёшдаги бола нутқида бу каби сўроқ гаплар орқали

Глобаллашув жараёнида лингвистика назарияси ва лингводидактика муаммолари нафақат истак, балки дарак, илтимос ёки буйруқ акти ҳам ифодаланиши кўп кузатилади.

Хуллас, болалар нутқининг прагмасемантик талқинида улар томонидан ифодаланадиган сўроқ гаплар муҳим аҳамият касб этади. Ўзбек болалар нутқининг ўзига хос хусусиятлари риторик сўроқ гап орқали ифодаланган билвосита нутқий актларда яққол намоён бўлади. Бу борадаги муаммоларни монографик аспектда тадқиқ этиш ўзбек прагмалингвистикасининг долзарб вазибаларидан биридир.

Адабиётлар:

1. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2008.
2. Леонтьев А.А. Деятельность. Сознание. Личность. – М.: Политиздат, 1977.
3. Ҳақимов М.Ҳ. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. Фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2001.
4. Лингвистический энциклопедический словарь // <http://tapemark.narod.ru/les/412c.html>.
5. Почепцов О.Г. Основы прагматического описания предложения. – Киев, 1986.
6. Серль Дж.Р. Что такое речевой акт? В кн.: Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 17. – М.: Прогресс, 1986.
7. Курбонова М. Болаларга хос нутқий акт турларининг прагмалингвистик таҳлили (П.Қодиров асарлари мисолида) // Хорижий филология: тил, адабиёт, таълим. 2016. – №4.

LINGVOKULTUROLOGIYA VA MADANIYATSHUNOSLIK

*Karimova D.*²⁴

Аннотация

Ushbu maqolada lingvokulturologiya va madaniyatshunoslikning bir-biriga bogʻliqligi yoritilgan. Lingvokulturologiya til va madaniyatning oʻzaro aloqasi va oʻzaro taʼsiri haqidagi ilmiy bilimlarning majmuaviy sohasi boʻlib, hozirgi kunlarda bu soha ravnaq topib rivojlanyapti verbal va noverbal mazmuni birliklarining mukammal va yagona tarkibda tizimli uslublar yordamida va zamonaviy yoʻnalishlar va madaniy meʼyorlarga (normalar va umumbashariy qadriyatlarga) qaratilganligini aks ettiradi. Madaniyatshunoslik “aqliy-maʼnaviy yoki xoʻjalik faoliyatida erishilgan daraja, saviya (nutq madaniyati)” emas, balki “kishilik jamiyatining ishlab chiqarish, ijtimoiy va maʼnaviy-maʼrifiy hayotida qoʻlga kiritgan yutuqlari majmui (madaniyat tarixi, oʻzbek madaniyati)” demakdir. Shunday boʻlgach, madaniyatshunoslik oʻrganish muammolari boshqa, lingvokulturologiyaning oʻrganish obyekti tamoman boshqadir.

²⁴ Karimova D. – ToshDOʻTAU 2-kurs magistranti

МУНДАРИЖА / CONTENTS / СОДЕРЖАНИЕ

<i>Mirzaakhmedov M.</i> TRAINING A GOOD LANGUAGE TEACHER _____	12-15
<i>Мамадалиева Г.Р.</i> TEACHING PRONUNCIATION IN ENGLISH CLASSES _____	15-20
<i>Rasulova I.</i> INTERFERENSIYANING MOHIYATI VA TURLARI _____	20-25
<i>Usmonova I.</i> TOG`AY MUROD ASARLARINING FONETIK-FONOLOGIK XUSUSIYATLARI _____	25-29
<i>Kurmanbek Yerkezhan, Telgarayev K., Nurakhun A.</i> THE USAGE OF THE COMPUTER SLANG IN SPEECH _____	30-32
<i>Ширинова Е.Т.</i> БАНКОВСКО-ФИНАНСОВАЯ ТЕРМИНОЛОГИЯ В ЛИНГВИСТИКЕ _____	33-38
<i>Носиров И., Махмудов У.</i> АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИНИНГ КОБУЛ НАШРИ ХУСУСИДА _____	39-45
<i>Олимов Ф.С.</i> “ХАМСАТ УЛ-МУТАҲАЙЙИРИН”ДА ТИЛ ВА ТАСВИР _____	45-51
<i>Мамирлиев Қ., Ма’мирова Х.</i> ORZU QANOTI _____	52-55
<i>Алиева Н.Я.</i> СМЫСЛОВЫЕ ГРУППЫ СЛОВ В НАХЧЫВАНСКОГО ДИАЛЕКТА _____	56-62
<i>Murat Anel Muratkyzy, Batayeva Indira Altaevna</i> THE IDEOLOGICAL TREATMENT OF RUSSIAN LOANWORDS IN KAZAKH LEXICOLOGY: LEXICALIZATION VS. NON-INTEGRATED IMPORTATION _____	63-69
<i>Гусейнзаде Вафа Рифат</i> «КОНЦЕПТ» И «КОНЦЕПТОСФЕРА» В АСПЕКТЕ КОГНИТИВНОЙ ЛИНГВИСТИКИ _____	70-75